Ушбу сонда:
2 ДАЪВО АРИЗАСИ ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ
3 TV-ДАСТУРИ
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 25 сентябр, шанба № 155 (1788)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ЧАВАНДОЗЛАРГА СОВҒА

***Андижон вилоятида от спорти билан шуғулланувчилар учун ажойиб база фойдаланишга топширилди. Андижон тумани Хартум қишлоғида тўлиқ таъмирлаш ва реконструкциядан сўнг отчопар ишга туширилди.***

У ўқув-машғулот жараёнини ўтказиш, турли мусобақалар ва кўргазмали чиқишларни ташкил этиш учун барча зарур нарсалар билан жиҳозланган. Отчопарда ўтказиладиган мусобақаларни бир вақтнинг ўзида беш минг киши томоша қила олади.

Ҳозирги вақтда болалар от спорти мактабида 100 дан ортиқ бола шуғулланмоқда. Уларга чавандозлик маҳоратини 13 мураббий ўргатмоқда. Отчопарни янгилаш билан бирга зотдор спорт отлари ҳам сотиб олинди.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

***Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, улардан чакана савдода, коммунал хизматларга ва хизматларнинг бошқа турларига ҳақ тўлашда фойдаланиш, шунингдек пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:***

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон Банклар уюшмаси ва республика тижорат банклари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2006 йил охиригача тижорат банклари томонидан пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш тармоғини кенгайтиришнинг прогноз жадвали маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Банклар уюшмаси уч ой муддатда Банклараро процессинг маркази негизида савдо ва хизматлар соҳаси ташкилоти ёхуд пластик карточка эгасига қайси банкда хизмат кўрсатилишидан қатъи назар барча савдо шохобчаларида банк операцияларини ягона режимда амалга ошириш имконини берувчи Ўзбекистон Банклар уюшмаси ҳузуридаги Ягона умумреспублика процессинг марказини ташкил этсинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари манфаатдор вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва тижорат банклари билан биргаликда чакана савдо ва хизматлар соҳаси объектларини, автомобил ёнилғиси қуйиш шохобчаларини ва аҳолидан нақд пул қабул қилиш бошқа пунктларини тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш бўйича терминаллар билан:

Тошкент шаҳрида - 2005 йил 1 январгача;

вилоят марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда - 2005 йил 1 июлгача таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Кўрилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида 2004 йил ва 2005 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, пластик карточкалардан фойдаланиб товарларни сотишда ва хизматлар кўрсатишда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бериладиган терминал чеклари квитанциялар, талонлар, чипталарга ҳамда товарлар ва хизматларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади.

5. Чакана савдо корхоналарига юридик шахсларнинг корпоратив пластик карточкалари бўйича товарларни ойлик товар айланиши ҳажмида сотувлар улуши чекланмаган ҳолда сотишга рухсат берилсин.

6. Пластик карточкаларнинг эмитентлари бўлган тижорат банклари:

2005 йил 1 январгача барча филиаллар, минибанклар ва жамғарма кассаларида тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш бўйича терминаллар ўрнатсинлар;

айланма маблағлар тақчиллигига дуч келаётган чакана савдо ва хизматлар соҳаси ташкилотларининг тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш бўйича терминаллар сотиб олиши учун ўз мижозларининг сўровлари бўйича имтиёзли кредитлар берсинлар (Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи ставкаси бўйича);

терминал тармоғининг узлуксиз ишлаши ва пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда ўз мижозларига кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

7. Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази:

банкоматлар, терминаллар, коммутация ускуналари ва пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа асбоб-ускуналардан, шунингдек дастурий таъминот сифатидаги мол-мулкдан 2005 йил 1 январдан бошлаб 3 йил муддатга мулк солиғи тўлашдан;

пластик карточкалар, сарфланадиган материаллар, график ва электрон шахслаштириш қурилмалари, терминаллар, банкоматлар ва пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа асбоб-ускуналарни импорт қилишда 2007 йил 1 январгача божхона тўловлари тўлашдан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази томонидан тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган мол-мулкдан солиқ тўлаш бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва Ўзбекистон Банклар уюшмаси Маҳаллийлаштириш дастури доирасида республикада ўз материаллари негизида микрочиплари бўлган пластик карточкалар ва тўлов терминаллари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этиш юзасидан 2004 йил охиригача Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Тошкент шаҳрида, вилоят марказларида ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда жойлашган, савдо майдони 150 квадрат метрдан ортиқ бўлган турғун савдо шохобчаларига чакана савдони амалга ошириш учун рухсат берувчи гувоҳномалар беришда уларда тўловларни пластик карточкалар бўйича қабул қилиш имконини берувчи терминаллар мавжуд бўлишини назарда тутсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Мулладжонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 24 сентябр



Ўзбекистон-Германия «Унихо» қўшма корхонаси қошидаги Ҳазорасп калава-ип йигирув фабрикаси бундан бир йил муқаддам ишга туширилганди. Ўтган давр мобайнида корхона маҳсулотлари тилга тушиб, унинг бир қисмини «Хива гилами» ҳиссадорлик жамияти олган бўлса, аксарияти хорижлик истеъмолчиларга жўнатилди. Бугунги кунда корхонада 100 нафар ёш ишчи меҳнат қилмоқда. Уларга юқори самарадорлик ва хавфсиз меҳнат учун барча шарт-шароитлар яратилган.

**Суратларда: илғор ишчилар Сайёра Шониёзова ва Ирода Раҳимова; фабрика цехида.**

**Р.ЖУМАНИЁЗОВ олган суратлар**



## ТЕРИМЧИЛАР МАМНУН

Бухоро вилоятда йиғим-теримга жиддий киришган пахтакорларнинг унумли меҳнат қилиши ва мазмунли ҳордиқ чиқариши учун етарлича шароит яратилмоқда.

Когон туман маданият ишлари бўлими саккиз гуруҳ тузиб, хўжаликларга юборди. Гуруҳлар аъзолари пахтакорлар билан долзарб мавзуларда суҳбатлар уюштириб, кўнгилочар дастурлар намойиш этмоқда.

Теримчилар «Гўзал», «Сухор» бадиий дасталари, «Қасри Орифон» фольклор жамоаси ва 12 кўчма кутубхона хизматидан мамнун.

*Корхонада маънавий муҳит*

## ИШЧИ КАЙФИЯТИ самарадорлик омили

***Корхонамиз фақат вилоятдагина эмас, балки республика миқёсида ҳам кўпминг кишилик пешқадам саноат тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу ерда ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бир қаторда ишловчиларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам катта эътибор бериб келинади. Корхона касаба уюшма қўмитасининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида бу ўз ифодасини топди.***

Ҳисобот маърузасида таъкидланганидек, жамиятимиз касаба уюшма қўмитаси таркибида 4 та фабрика ва 5 та бўлим мавжуд бўлиб, улар таркибида 29 та цех касаба уюшма ташкилотлари мавжуд. Июн, июл, август ойларида барча цех ва фабрика касаба уюшма қўмиталарининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу йиғилишларда касаба уюшма қўмиталари етакчиларининг ўтган давр мобайнида қилган ишлари ҳисоботи тингланди, улар фаолияти баҳоланди.

Таъкидлаш жоизки, ҳисобот даврида биз ишловчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш, қулай иш ва дам олиш шароитларини яратиб бериш, шунингдек оила аъзоларимиз саломатлигини мустаҳкамлашда бирмунча таҳсинга лойиқ ишлар қилинди. Иш ҳақларимиз миқдори тўрт маротаба оширилди. Агар 1999 йили ўртача маош миқдори 6 минг 200 сўмни ташкил қилган бўлса, ҳозирга келиб бу кўрсаткич салкам 37 минг сўмга етди. Бундан ташқари, 120 га яқин киши касаба уюшма қўмитаси йўлланмаси билан санаторий-профилакторийларда саломатликларини тиклашди. Буларга қўшимча равишда 75 киши вилоятимиздаги «Атлас», «Вилоятгаз», «Кўксарой» каби дам олиш масканларида ҳордиқ чиқаришди. Шу йилнинг ўзида эса яна «Вилоятгаз» санаторийсига 60 та, «Кўксарой» санаторийсига 37 та йўлланма олиниб, ишчиларга тарқатилди.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси фарзандларимиз учун ҳам алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Улар ҳар йили вилоятнинг энг гўзал ва баҳаво масканларидан саналган Янгиқўрғон туманидаги «Камалак» болалар оромгоҳида мириқиб дам олишяпти. 240 ўринга мўлжалланган ушбу масканда икки қаватли 4 та шинам ётоқхона, соғломлаштириш бўлими, «Маънавият ва маърифат» хонаси, чўмилиш ҳавзаси, спорт ўйингоҳлари мавжуд.

Корхонада бизнинг самарали меҳнат қилишимиз учун барча шарт-шароит яратилган. Бу касабақўм ва маъмурият ўртасида имзоланган жамоа шартномасида ўз ифодасини топган бўлиб, унинг бажарилиши қадамба-қадам назорат қилиб борилади. Масалан, ҳозирги кунда 1400 ўринга мўлжалланган 8 та ошхона ишлаб турибди. Кейинги пайтларда овқатлар сифати яхшиланиб, имтиёзли нархларда сотилиши йўлга қўйилди. Яна бир гап. Касаба уюшма ва маъмурият аралашуви туфайли 200 дан ортиқ киши ер участкаси билан таъминланди.

Ҳар йили ишчилар саломатлигини текшириш учун корхона ҳисобидан бепул тиббий кўрик ўтказиш жорий этилган. Масалан, бу йил кўрик хулосасига кўра 340 нафар ходим соғломлаштирилди. 46 киши соғломлаштириш учун шифохоналарга ётқизилди. 23 кишига сиҳатгоҳ ва профилакторийларга йўлланма берилди. 17 ходим эса саломатлиги талабига кўра бошқа енгилроқ ишларга ўтказилди.

Соғлом турмуш тарзининг муҳим омили ҳисобланган спорт оммавийлигига эришиш йўлида катта ишлар қилинмоқда. Барча фабрикалар қошида спортнинг қатор турлари билан шуғулланиш учун қулайликлар яратилган.

Ҳамкорликда амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитасининг биз, ишчиларга бўлган ғамхўрлигининг бир нишонасидир. Чунки бу, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини яратмоқда. Масалан, жамиятимизда ўтган 5 йил давомида 95 миллион 679 минг погонометр сифатли газлама ишлаб чиқаришга эришилди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан 1-йигирув фабрикаси устаси Лариса Мамажонова, 2-йигирув фабрикаси лаборанти Турсуной Раҳмонова, бўёқпардозлаш фабрикаси ишчиси Ўрайимжон Омонов, бош механика бўлими конструктори Турғунбой Эргашев ва бошқа ҳамкасбларимиз касаба уюшма қўмитаси фаолиятидаги ижобий ишлар билан бир қаторда йўл қўйилган айрим камчиликлар хусусида ҳам фикр юритдилар. Рустам Убайдуллаев акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раислигига қайтадан сайланди.

**Олимжон ТОШПЎЛАТОВ,**
**«Намангантекстил» акциядорлик жамияти ишчиси**

## САЙЛОВЛАР ОЧИҚ ВА ҲАЛОЛ ЎТАДИ

***Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида Олий Мажлисга сайловолди жараёнининг ёритилиши бўйича тузилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот марказларининг раҳбарлари ҳамда Ўзтелерадиокомпаниясининг тегишли худудий таркибий бўлинмалари раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев ва Матбуот маркази раҳбари Ш.Қудратхўжаев жойлардаги матбуот марказларининг сайлов кампаниясини холисона, транспарент (ошкора ва очиқ) ёритишни таъминлаш бўйича журналистлар ҳамда кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, уларга ахборот бобида кўмаклашиш масалалари хусусида батафсил тўхталди. Бунинг учун Марказий сайлов комиссиясининг ҳаракатлар дастури асосида махсус режалар ишлаб чиқиш, оммавий ахборот воситалари билан баҳамжиҳат фаолият юритиш лозимлиги таъкидланди.

Шу куни Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида нодавлат телерадиостанциялар директор ва бош муҳаррирлари, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси аъзолари билан мамлакатимизда икки палатали парламентга ўтказиладиган сайловларга оид масалалар бўйича йиғилиш ҳам бўлди.

**(Давоми 2-бетда)**

***Бекобод шаҳридаги «Мадина» хусусий корхонаси яқиндагина иш бошлаганига қарамай, унинг замонавий ва бежирим кийим-бошлари, коржомалари тезда ўз харидорини топди.***

## «МАДИНА» МАҲСУЛОТЛАРИ

- Маҳсулотларимизга талаб катта. Буюртмаларни вақтида бажариш, ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини яхшилашга жиддий эътибор қаратяпмиз, - дейди корхона раҳбари Раъно Ҳамидова. - Шу кунгача саккиз миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқардик.

«Мадина»нинг қирқ нафар чевари тикаётган кийим-кечак, кўрпа-тўшакларига ҳам харидор кўп. «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Бекобод бўлимидан олинган тўққиз миллион сўмлик микрокредит корхона ривожига катта туртки берди.

Бекобод шаҳрида аҳолини иш билан таъминлашда катта аҳамият касб этувчи кичик ва хусусий корхоналар сафини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида шундай корхоналардан саксонтаси давлат рўйхатидан ўтди, тижорат банклари эса кичик ва хусусий бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида салкам бир миллиард сўмлик кредит ажратди.

**(ЎзА)**

## ЖАННАТМАКОН БОҒ ҚЎПОРИБ ТАШЛАНДИ
### унинг уволига қолганлар кимлар?

***Одамларимизнинг баҳоси йўқ, улар танти, оқ кўнгил, меҳр-шафқатли инсонлар. Фидокорона меҳнатлари билан улуғ ишларни рўёбга чиқаришмоқда. Бироқ ҳаётда шундай воқеалар ҳам бўладики, эшитиб ҳайратга тушасан киши. Адолатсизлик, кибр-ҳаво, меҳнат кишисини менсимаслик каби иллатлар оқибатида Нутфиллаевлар оиласи томонидан минг машаққат ила барпо этилган жаннатмакон боғ болга тўлганида барча экинлари билан бирга қўпориб ташланди.***

Масалага бир бошдан ёндашайлик. Бахшанда Нутфиллаева ўн нафар фарзанднинг онаси. У оила аъзолари билан собиқ «Туркистон» ширкат хўжалигига қарашли Қумбости қишлоғида яшайди. Оила аъзолари хонадон соҳиби Карим ака бошчилигида йиллар мобайнида сидқидилдан меҳнат қилишди. Оилавий пудрат, деҳқон хўжалиги нақадар катта имконият эканлигини амалда исботлашди. Сўнгги йилларда эса «Карим» фермер хўжалигини ташкил этиб, ўзларига қарашли 2 гектар ерда мўл ҳосил етиштириб келдилар. Каримжон ака қўли гул инсон эди. У бир сўмни қаердан олиб, қаерга сарфлашни яхши биларди. Узоқни кўра билган миришкор хўжалик бошқаруви билан келишган ҳолда ҳамда ўзаро шартномага кўра ихтиёридаги ернинг 1 гектарида сабзавот уруғи етиштириш, қолган қисмини эса ажойиб боғ-роғга айлантиришга жазм этди.

Бунёдкорликка не етсин. Ота фарзандларини ёнига олиб, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ишлади. Фарғона водийси, Самарқанд вилоятининг туманларидан энг яхши мевали дарахт кўчатларини келтириб ўтқазди. Кўргиликни қарангки, кутилмаганда у касалликка чалиниб, оламдан кўз юмди. У бошлаган хайрли ишни катта хонадон бекаси Бахшанда ая қатъиятлик билан давом эттирди. Хўжаликда мулк шакли ўзгарганга қадар улар ижара пудрати асосида фаолият юритдилар. «Ижарачи Нутфиллаева Бахшандага ижара ери шартнома асосида берилган. У шартнома шартларига тўлиқ амал қилиб келган. Жумладан, 2003 йилда ижара ҳақини, яъни, 332 минг 290 сўмни тўлиқ тўлаган».

Хўжалик раҳбари Т.Бозоров ҳамда ҳисобчи М.Эгамовлар имзо чекиб тасдиқлаган ушбу маълумотномадан кўриниб турибдики, Нутфиллаевлар оиласи ҳар доим сўзларининг устидан чиқиб, мўл, арзон ва сифатли ҳосил етиштиришга муваффақ бўлишган. Тааажжубки, иш силлиқ кетаётган бир пайтда кўп болали аёл сунъий тўсиқларга дучор бўлди. Опанинг изоҳи:

– Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида туман ҳокимлиги ҳузурида деҳқон (фермер) хўжаликлари бошлиқларини аттестациядан ўтказиш ва ушбу жамоаларни фермер хўжаликлари сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича ташкил этилган комиссия аъзолари адолатсизлик қилишди. Улар қарорда белгиланган талабларни унутиб, фаолиятимизни негадир чекладилар. Раҳматли хўжайиним юввош, бировнинг кўзига тик қарай олмайдиган, ориятли инсон эди. Сўнгги гапи шу бўлди: «Қўй, энди фойдаси йўқ, комиссия мендан мажбурий тарзда ариза ёздириб олди. Икки гектар ер билан иш битмас экан. Фермер бўлиш учун камида 10 гектар зарурмиш. Шунча ерни эплай олмаймиз. Ҳаммадан ҳам сенга қийин бўлади.» Кейин билсак, бир гектар ер билан ҳам фермер хўжалиги ташкил этиб, уни қайта рўйхатдан ўтказиб, фаолият юритиш мумкин экан.

*«Ишонч» бонг уради*

Эрининг вафотидан сўнг Бахшанда опа фермер хўжалигини қайта ташкил этиш учун астойдил елиб-югурди. Бироқ, мақсадига эришолмади. Мутасаддилар у-буни баҳона қилишдан нарига ўтишмасди. Ниҳоят, «Туркистон» ширкат хўжалиги тугатилиб, ерлар қайта лойиҳалаштирилди, тендерга қўйилди. Шундагина оилавий тадбиркорлар орзуларига эришиш имконига эга бўлдилар.

Пешку туман «Туркистон» ширкат хўжалигини фермер хўжалигига айлантириш бўйича комиссиянинг 2004 йилдаги 17-сон қарорига асосан 724-контурдаги суғориладиган майдонда деҳқончилик қилиб келган Б.Нутфиллаевага фермер хўжалиги тузиш учун розилик берилди. Буни ушбу комиссия раиси К.Раҳимов ҳам тасдиқлайди. У томондан берилган маълумотномада Б.Нутфиллаева ўзига аввал тегишли бўлган 2 гектар чорбоғни олиб ишлаш юзасидан берган аризаси 6-рақам билан қайд этилганлиги кўрсатилган. Бироқ негадир Нутфиллаевларга 1,2 гектар ер (шундан 1 гектари дарахтзор) фермер хўжалиги тузиш учун ажратилгани кўпчиликни ҳайратга солди. Тегишли ернинг қолган қисми бош режа асосида уй-жойлар қуриш учун ажратилиши керак экан. Шундан сўнг ҳайратомуз воқеалар бўлиб ўтди. Тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб бериш ҳам роса чўзилди. Иш охири судга бориб тақалди.

Ғиждувон туманлараро фуқаролик судининг ҳал қилув қарорига кўра даъвогарларнинг Нутфиллаева Бахшандага нисбатан ўзганинг эгалигидан ер майдони олиб бериш тўғрисидаги даъво талаб рад қилиниб, низосиз ердан уй-жой қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақидаги тўхтамга келинганди. Бироқ кейинги босқич суд инстанцияси тескари хулосани илгари сурди.

**(Давоми 3-бетда)**

